

ИНВЕСТИЦИЯ МАБЛАҒЛАРИНИНГ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ЯЛПИ МАҲСУЛОТЛАРИ ҚИЙМАТИГА ТАЪСИРИНИ ИҚТИСОДИЙ БАҲОЛАШДА ЯНГИЧА ЁНДАШУВ

Махмудов Саидкарим

Тошкент давлат аграр университети мустақил изланувчиси

АННОТАЦИЯ

Илмий тадқиқот ишида қишлоқ хўжалик фаолиятига жалб этилган марказлаштирилган ва марказлаштирилмаган инвестициялар маблағларининг қишлоқ хўжалик ялпи маҳсулот қийматиغا таъсири ўрганилган. Таҳлилда, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси томонидан тўпланган маълумотлар асосида кўп омилли регрессия моделидан фойдаланилган. Натижада, 1% кўшимча киритилган инвестиция ялпи маҳсулотни 0,74% га, экин майдонларига ўртача минерал ўғит солиш миқдори 0,95% ва қишлоқ хўжалигига сарфланган сув миқдори эса 2,67%га ошириши илмий асосланган.

Калит сўзлар: қишлоқ хўжалиги, инвестиция, марказлаштирилган инвестициялар, марказлаштирилмаган инвестициялар, кўп омилли регрессия модели

КИРИШ

Мамлакатимиз иқтисодиёт янги учинчи ренесансга кириб бораётган бир даврда, аграр соҳада олиб борилаётган ўзгаришлар ва соҳани модернизациялашиб бориши бевосита қишлоқ хўжалигига йўналтирилаётган инвестициялар билан боғлиқ. Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантириш мақсадида ҳар йили соҳага марказлаштирилган маблағлар ҳисобидан катта миқдорда инвестиция киритилади. Ушбу киритилган инвестициялар, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш дастурлари, зараркунандаларга қарши курашиш ҳамда фавқулодда вазиятларда ҳосилни сақлаб қолишни таъминлаш, қишлоқ хўжалиги корхонасига қишлоқ хўжалик техникасини харид қилиш учун ажратилган лизинг ёки кредит фоизини қоплаш, объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар, мақсадли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳамда экспортни қўллаб-қувватлаш йўналишларига тўғри келади.

Мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий соҳаларда ислохотларни узлуксиз амалга оширишда, тармоқ ва соҳаларнинг ривожланишида, улар ўртасида интеграцион



жараёнларни барқарор ривожланишида инвестициялар муҳим аҳамиятга эга бўлиб, уларни жалб этишни ривожлантириш фаол инвестиция сиёсати орқали амалга оширилади. Натижада, қишлоқ хўжалик фаолиятида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми миқдор ва сифат жиҳатдан ошишига таъсир кўрсатиб, аҳолини қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига, қайта ишлаш саноатини эса хом-ашё билан таъминлаш орқали мамлакатимиз озиқ-овқат хавфсизлигини мустаҳкамлашга, экспорт салоҳиятини ошишига замин яратилмоқда. Бироқ, кейинги йилларда қишлоқ хўжалиги фаолиятига жалб этилаётган инвестиция муҳитини яхшилашда ва инвесторларнинг ҳуқуқ ва манфатларини кафолатлашда, уларга иқтисодий имтиёзлар бериш борасида чора-тадбирлар ишлаб чиқилган бўлсада, иқтисодиёт тармоқларига сарфланган жами инвестициялар ҳажмида қишлоқ хўжалигига ажратиладиган инвестициялар улуши камайиб бормоқда. Иқтисодиётни тараққий этиб боришида қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ислохотларни амалга ошириш, давлат томонидан ажратилаётган марказлаштирилган инвестиция ресурсларидан самарали фойдаланиш билан боғлиқ. Инвестициялардан самарали фойдаланиш эса соҳани чуқур тадқиқ қилиш, уни илмий ўрганган ҳолда рационал ёндошишни тақозо қилади.

Қишлоқ хўжалик фаолиятига жалб этилган марказлаштирилган ва марказлашмаган инвестиция маблағларининг қишлоқ хўжалик ялпи маҳсулотлари қийматига таъсирини иқтисодий баҳолаш асосида илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқиш.

МАТЕРИАЛ ВА МЕТОДЛАР

Таҳлилни амалга оширишда Кўп омилли чизикли эконометрик моделдан фойдаланилган. Таҳлилда, сўнгги 10 йил мобайнида Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси томонидан тўпланган маълумотлардан фойдаланилган ҳолда давлат инвестицияларини қишлоқ хўжалигига таъсирини баҳолаш учун янги кўрсаткичларни ишлаб чиқдик. Таҳлилда қўлланилаган ҳар бир ўзгарувчини йиллар бўйича ўзгаришларини квадратик кўринишда олиниши қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти қийматини таҳлил қилиш имкониятини беради(1-жадвал).

1-жадвал

Ўзгарувчиларнинг статистик тавсифи

Ўзгарувчилар	Ўртача қиймат	Стандарт оғиш	Минимум қиймат	Максимум қиймат
Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулот қиймати квадратик	10.878	0.88	9.954	12.099
Марказлаштирилган маблағлар квадратик	6.657	0.569	6.196	7.568
Марказлаштирилмаган маблағлар квадратик	7.852	1.275	6.674	9.571
Тармоқда банд аҳоли сони квадратик	8.163	0.044	8.08	8.208
Қишлоқ хўжалигида асосий фонддаги техникалар квадратик	11.385	0.345	10.934	11.732
Экин майдонларига ўртача минерал ўғит солиш квадратик	5.808	0.086	5.714	6.023
Қишлоқ хўжалигига сарфланган сув миқдори квадратик	10.734	0.037	10.687	10.799
Йирик шохли қорамоллар бош сони квадратик	9.336	0.127	9.115	9.485

Қишлоқ хўжалигида ялпи маҳсулотнинг ўзгаришига соҳага киритилган инвестициялар ҳамда турли омилларнинг аграр соҳадаги бугунги кунгача бўлган даврини алоҳида ажратилган ҳолда таъсирини ўрганиш мақсадида кўп омилли чизиқли эконометрик моделдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Қишлоқ хўжалигига давлат инвестицияларининг таъсирини баҳолашда кўп омилли прогноз қилувчи ўзгарувчилар мавжуд, шундан келиб чиқиб моделда кўп омилли регрессия моделини қўллаймиз. Бу моделининг умумий шакли куйидаги формула орқали амалга оширилади.

$$Y_t = \beta_0 + \beta_1 x_{1,t} + \beta_2 x_{2,t} + \dots + \beta_k x_{k,t} + \varepsilon_t,$$

бу ерда Y - прогноз қилинадиган ўзгарувчи ва x_1, \dots, x_k мустақил ўзгарувчилар k башорат қилувчи ўзгарувчилар ҳисобланади. Прогноз қилувчи ўзгарувчиларнинг ҳар бири рақамли бўлиши мақсадга мувофиқ. β_0, \dots, β_k коэффициентлари моделдаги бошқа барча прогноз қилувчиларнинг таъсирини ҳисобга олгандан кейин ҳар бир прогнознинг таъсирини ўлчайди. Шундай қилиб, коэффициентлар башорат қилувчи ўзгарувчиларнинг маржинал таъсирини аниқлаш имконини беради.

ТАҲЛИЛ НАТИЖАСИ

Ўзгарувчиларни қолдиқлардан ҳоли бўлишини Дурбин-Ватсон (Durbin-Watson test) статистик тести орқали текширилди ва 2-жадвалда келтирилган регрессия таҳлили натижаси олинди. Дурбин-Ватсон тест эмпирик таҳлилани амалга ошириш



мумкинлигини ҳамда ўзгарувчилар қолдиқлардан ҳоли эканлигини кўрсатди (Durbin-Watson d-statistic = 1.634465 / R-squared = 0.9999).

2-жадвал

Кўп чизиқли регрессия модели натижалари

Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулот қиймати	Маржинал таъсир
Марказлаштирилган маблағлар	.028 (.073)
Марказлаштирилмаган маблағлар	.736** (.176)
Тармоқда банд аҳоли сони	2.017 (1.236)
Қишлоқ хўжалиги техникалари	.093 (.59)
Экин майдонларига ўртача минерал ўғит сарфи	.949** (.288)
Қишлоқ хўжалигига сарфланган сув миқдори	2.665** (.539)
Йирик шохли қорамоллар бош сони	-.65 (.785)
Ўзгармас қиймат (constant)	-40.657* (13.949)
Mean dependent var	10.878
R-squared	0.999
F-test	732.447
Akaike crit. (AIC)	-38.543
SD dependent var	0.880
Number of obs	11.000
Prob > F	0.000
Bayesian crit. (BIC)	-35.360

* p<0.1, ** p<0.05, *** p<0.01 қавс ичидагилар стандарт хатолик ҳисобланади

Регрессия натижаси шуни кўрсатадики, қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти қийматининг маржинал ўзгаришига марказлаштирилмаган маблағлар, экин майдонларига ўртача, минерал ўғит солиш ва қишлоқ хўжалигига сарфланган сув миқдорига статистик жиҳатдан кучли таъсир кўрсатди. Жумладан, марказлаштирилмаган маблағлар оқимини ушбу тармоқга киритилиши сўнгги беш йилда 13,3 баробарга ошиши эвазига ялпи маҳсулот қийматини ошишига таъсир қилгани илмий жиҳатдан асосланди. Яъни, 1% қўшимча киритилган инвестиция ялпи маҳсулотни 0,74% га ошириши исботланди. Шунингдек, экин майдонларига ўртача минерал ўғит солиш миқдорини 1% га ошириш, ялпи маҳсулот қийматини 0,95% ва қишлоқ хўжалигига сарфланган сув миқдори эса 2,67% га кўтарилишига сабаб бўлган.



Дарҳақиқат, юқорида ўрганилган тушунчаларни ҳисобга оладиган бўлсак мамлакатимизда марказлаштирилган маблағларнинг ҳам ялпи маҳсулот қийматини оширишда таъсири юқори бўлган. Буни таҳлилларимиз натижалари ҳам кўрсатиб турибди. Ваҳоланки, 1% давлат инвестицияларини соҳага киритиш 0,03% га ялпи маҳсулот қийматини ошишига сабабчи бўлган.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Қишлоқ хўжалигига сарфланган давлат инвестицияларини баҳолашда бевосита қишлоқ хўжалигидаги ялпи маҳсулот қийматининг маржинал ўзгаришига таъсир қилувчи омиллар ўрганиб чиқилди. Қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти қийматининг маржинал ўзгаришига марказлаштирилмаган маблағлар, экин майдонларига ўртача минерал ўғит солиш ва қишлоқ хўжалигига сарфланган сув миқдори ўзгарувчилари статистик жиҳатдан ижобий таъсир кўрсатган. 1% қўшимча киритилган инвестиция ялпи маҳсулотни 0,74% га, экин майдонларига ўртача минерал ўғит солиш миқдори 0,95% ва қишлоқ хўжалигига сарфланган сув миқдори эса 2,67%га оширади. Қишлоқ хўжалигига йўналтирилган инвестициялар қийматининг ошиши, хусусан суғориш технологияларига сарфланган инвестициялар қийматининг ошиши қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларинг ялпи даромадини ошириши ҳамда хўжалик раҳбарлари билим даражасининг ўсиши мазкур молиявий активларни самарали бошқаришда асосий омиллардан бири бўлиб хизмат қилади.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги ҳузуридаги қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида. ПФ – 6179 – сон. 26.02.2021.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “2017-2021 йиллардаги Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси” тўғрисидаги ПФ-4947-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида. ПФ-5742-сон. 17.06.2019

4. Antle J. M., Ray S. Challenges of sustainable agriculture in developing countries //Sustainable agricultural development. – Palgrave Macmillan, Cham, 2020. – С. 95-138.
5. Baba S. H. et al. Impact of investment on agricultural growth and rural development in Himachal Pradesh: Dynamics of public and private investment //Indian Journal of Agricultural Economics. – 2010. – Т. 65. – №. 902-2016-67360.
6. Dong X. Y. Public investment, social services and productivity of Chinese household farms //The Journal of Development Studies. – 2000. – Т. 36. – №. 3. – С. 100-122.
7. Makhmudov S. Инвестицияларни молиялаштиришда инвестицион мухитини такомиллаштириш //Архив научных исследований. – 2020. – Т. 35.
8. Юсупов М. Марказлашган давлат инвестициялари ва мақсадли дастурлари орқали қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари //Архив научных исследований. – 2020. – №. 10.
9. Хотамов И. ИС Инвестиция лойиҳалари таҳлилининг асосий йўналишлари //Архив научных исследований. – 2020. – №. 11.

